

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари  
( 2017 йил 16январь-21 январь)**

**№19**

**Тошкент – 2017**

**Қонун устуворлиги — инсон манфаатларини  
таъминлашнинг муҳим омилидир**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7  
январда Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ  
соҳа ходимлари билан учрашди.**

Учрашувда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, прокуратура органлари масъул ходимлари ва фахрийлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 декабрдаги Қонунига мувофиқ, 8 январь Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни этиб белгиланди. Бу -прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилади.

— Сизларни 8 январь — Прокуратура органлари ходимлари куни муносабати билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман, — деди Президентимиз. — Маълумки, 1992 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Фармони билан Ўзбекистон ССР прокуратураси мустақил Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлардан бири прокуратура органларидир. Прокуратура органлари томонидан мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилинди. Эришилган ютуқлар ўзимизники, унга маҳлиё бўлиб ўтириш бизга ярашмайди. Бугун сизлар билан олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида гаплашиб олмағимиз лозим, деди давлатимиз раҳбари. Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, адолатсизликка чидай олмайди. Жамиятда адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кенг кўламли

ислоҳотларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, уларнинг самарадорлигини юксалтиришда қонуний асосларни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишлар мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этишига хизмат қилаётир. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича қилинган ишлар дунё ҳамжамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади, деди Президентимиз. Қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт. Қонунчилик базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва қонунларни сўзсиз ижро этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик тараққиётини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда прокуратура органларининг роли катта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги оширилган. Бу соҳа ходимларининг зиммасига ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва тўла ижро этилишини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдек вазифалар масъулиятини янада оширди. Президентимиз тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида прокуратура органларининг роли ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади. Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шароит яратиб беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор. Мустабид тузум даврида одамлар прокуратура органлари ходимларини фақат қораловчи, жазоловчи тизим вакиллари сифатида биларди. Биз ушбу соҳа фаолиятини халқаро талаблар даражасида қайта ташкил қилишда ижобий натижаларга эришмоқдамиз, деди -Президентимиз. Прокуратура органлари кундалик ҳаётимизда қонун устуворлигини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши зарур. Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга

оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга мувофиқ, Комиссиянинг зиммасига қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, - прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва уларнинг ишлаш усулларини янада такомиллаштириш юзасидан уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар самарали бажарилаётгани устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш вазифалари қўйилди. Ҳозирги кунда Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар йили Бош прокурорнинг ҳисоботи эшитилади. Бу, албатта, муҳим, лекин жойлардаги прокурорларнинг ҳисоботини ким -эштади, деди Шавкат Мирзиёев. 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади. Бундан ташқари, вилоятларда прокурорларнинг ишига қараб ойлик - рейтингни тузиб борилади. Уларнинг фаолиятига рейтинг натижалари асосида баҳо берилади.

Ўтган йили ташкил қилинган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига фуқаролардан 311 минг мурожаат келиб тушди. Мурожаатлар орасида прокуратура соҳасига тегишлилари ҳам талайгина. Бу жуда ачинарли ҳолдир, деди Президентимиз. Барчамиз ўзимизга бир савол берайлик: одамларда нима учун муаммолар бунчалик кўпайиб кетди, уларнинг дардини ким эштади? Мурожаатларнинг аксарияти адолатсизликдан, уларни ҳеч ким эшитмаганидан бўлмоқда. Агар прокуратура органларининг эшиги аҳоли учун очиқ бўлганида, Бош -вазирнинг виртуал қабулхонасига бу қадар кўп мурожаат тушмас эди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида мазкур соҳа ходимлари ҳам ғоят -масъулиятли вазифаларни бажармоғи лозим бўлади. Биронта ҳам мурожаат эътибордан четда қолмаслиги керак, деди давлатимиз раҳбари. Учрашувда Республика Бош прокурори Ихтиёр Абдуллаев, Хоразм вилояти

прокурори -Садриддин Турдиев, Хонқа тумани прокурори ўайрат Абдуллаев, ўузур тумани прокуратураси катта нозири Замира Аширова, Тошкент шаҳар прокурори Ботир Қудратхўжаев, Бош прокуратура тизимидаги департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Эгамов ва бошқалар 8 январь — Прокуратура органлари ходимлари кунини нишонлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани учун - Президентимизга миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, инсон манфаатларини тўла таъминлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилишини таъкидлади.

### **Адолат туйғусини том маънода қарор топтириш — энг асосий вазифага айланиши шарт**

**Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 8 январь — Прокуратура органлари ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирдаги маърузасини тинглар эканман, прокуратура органлари ходими, қолаверса, оддий фуқаро сифатида қалбим катта ғурур ва ифтихорга тўлди, айти вақтда прокуратура органларига билдирилган юксак ишонч ва эътибор шахсан менга ҳамда ҳар бир ходимга янада катта масъулият юклаб, фидойи бўлишга ундади.**

Ходимлар давлатимиз раҳбарига касбий байрам куни белгиланганлиги учун чуқур миннатдорлик билдирар экан, ушбу байрам тадбирида бевосита иштирок этганликлари катта шарафлигини алоҳида таъкидладилар. Ҳурматли Президентимиз маърузасида фаолиятимиздаги камчиликлар, олдимизда турган долзарб муаммоларни аниқ ҳамда рўйирост кўрсатиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни аниқ белгилаб бердилар. Маърузани тинглар эканман, қонун устуворлиги ва адолат фаолиятимнинг асосий мезони бўлиб қолишига, ҳар қандай адолатсизликка йўл қўймасликнинг барча чорасини кўришга, фуқаролар хавфсизлиги ва конституциявий тузум ҳимоясини таъминлашга, халқ ичига киришга, керак бўлса уйма-уй юриб, унинг дарди ва кундалик ҳаёти билан яшашга, умуман, Президентимиз томонидан қўйилган барча вазифаларни қатъий ва тўлақонли бажаришга ўзимга яна бир бор сўз бердим. Ходимларнинг кўзига, сўзига қараб, барча мен каби дунёқарашини ўзгартирганлигини, хизматга янгича ёндашув зарурлигини, прокурор нафақат жиноятчиликка қарши курашувчи, балки ҳудудда адолат муҳитини яратишда энг масъул шахс эканлигини, халқ шунга қараб баҳо беришини тушуниб етганлигини

хис

қилдим.

Президентимизнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган сўзлари кундалик фаолиятимиздаги қоидага айланди.

Ҳеч муболағасиз айта оламанки, давлатимиз раҳбари билан учрашувдан барчамиз тамоман янгича дунёқараш билан чиқдик. Маърузада фаолиятимизнинг барча йўналишлари бўйича қайд этилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса қилган ҳолда, камчилик ва нуқсонларни сўзсиз бартараф этиш учун ҳар биримиз бор салоҳиятимиз, билим ҳамда тажрибамизни сафарбар қилишга, билдирилган ишонч ва эътиборни юксак кадрлаб, уни ўз меҳнатимиз, садоқатли хизматимиз билан оқлашга сўз бердик.

Барча ҳамкасбларимиз шу муқаддас юртимиз, Президентимиз ва бағрикенг халқимизга садоқат билан хизмат қилиш энг шарафли бурч эканлигини яна бир бора ҳис этганликлари аниқ. Шубҳасиз, мазкур учрашув ҳали узок вақтлар давомида прокуратура органлари фао-лияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

## **Маҳаллий дори-дармонлар учун энг юқори нарх чегараси тасдиқланди**

Ўзбекистонда маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий аҳамиятга молик бўлган дори-дармонлар ва тиббий анжомлар учун нархлар чегараси тасдиқланди. Нархлар рўйхати билан Ўзбекистон хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси сайтида [танишиш мумкин](#).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги қарорига мувофиқ, ушбу нархлар тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори-дармонлар ва тиббий анжомлар билан таъминлашни назорат қилиш республика комиссияси томонидан белгиланади.

Рўйхатга умумий ҳисобда 116 та маҳаллий ва 227 та импорт маҳсулотлар киритилган.

Бундан ташқари, комиссия тендер савдолари ўтказиш учун ижтимоий аҳамиятга молик импорт қилинувчи дори-дармонлар ва тиббий анжомлар учун ҳам белгиланган нарх рўйхатини ҳам тасдиқлаган.

**Ўзбекистонда қизилмия ишлаб чиқариш ривожлантирилади**



Ўзбекистон 2017-2021 йилларда қизилмия ишлаб чиқариш учун Қорақалпоғистонда плантациялар яратиш бўйича дастурни қабул қилишни режалаштирмоқда.

Дастур “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг саноат қайта ишланишини ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармони билан қабул қилинади. Лойиҳа интерактив давлат хизмати Ягона порталида муҳокама учун эълон қилинди.

Дастур доирасида қизилмия маҳсулотини тайёрлаш учун квота ҳажмини аниқлаш мақсадида қизилмия овлаш табиий майдонлари харитасини яратиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, қизилмия етиштириш учун саноат плантацияларини яратиш мумкин бўлган бўш ер майдонлари белгилаб олинди. Ўзбекистон раҳбари янги индустриал плантациялар яратиш ва табиий ҳудудларда, шунингдек саноат плантацияларида қизилмия ишлаб чиқаришнинг кутилаётган ҳажми бўйича таклифларни қайта ишлаб чиқишга кўрсатма берди.

Дастур доирасида янги турдаги тайёр экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар ҳам ўтказилади.

Қизилмия саноат плантацияларини яратадиган фермер хўжаликлари 2022 йилнинг 1 январига қадар плантациялар яратиш учун кўчат материали (уруғлар, қаламчалар)ни тайёрлаш бўйича йиғим тўлови, бир қатор солиқлар ва мажбурий ажратмалардан озод этилади. Шунингдек, улар ускуна, хом-ашё, материаллар ва бутлаш маҳсулотлари (божхона расмийлаштирувчи учун йиғимлардан ташқари),

Республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида олиб кирилувчи қурилиш маҳсулотлари учун божхона тўловларидан озод этилади.

## **Дональд Трамп Владимир Путин билан келишиб олишга умид қилмоқда**

11 январь куни миллиардер тадбиркор ва республикачилар партиясидан АҚШ президентлигига сайланган Дональд Трамп ўзининг илк расмий матбуот анжуманини ўтказди. Оқ уйнинг бўлғуси хўжайини ташқи ва ички сиёсатга доир саволларга жавоб қайтарган, танқидчилари ҳамда ўзига нисбатан "фош қилувчи" хужжатларнинг эълон қилинишига муносабатини билдирган.

Матбуот анжуманида иштирок этган журналистлар Трампга Россия билан бўлғуси муносабатлар хусусида кўплаб саволлар беришган. Республикачи президент сайловолди кампанияси чоғида икки давлат ўртасидаги алоқаларни яхшилаш фикрини илгари сурган ва Россия президенти Владимир Путин билан бу муаммони ҳал этишга уринишини таъкидлаган эди.

Трамп бу фикрини яна бир бор такрорлаган. **"Билмайман, Путин билан келиша оламанми, йўқми, аммо шунга умид қиламан"**, — деган Трамп. Унинг таъкидлашича, Москва ИШИД гуруҳига қарши курашда ёрдам бера олади.

Шу билан бирга, у "reboot" (қайта кучайтириш) сўзини Америка-Россия муносабатларига қўллашни истамаган. **"Бундай тугма йўқ. Биз ё келишамиз ёки йўқ"**, — деган сайланган президент.

Трампнинг қўшимча қилишича, у Россияга нисбатан қатъиятлироқ сиёсат юрита олади. "Ҳиллари Клинтон Трампга қараганда Путин билан қатъийроқ бўлганига ким ишонади?" — дея ўзининг қаттиққўл бўлишига ишора қилган Трамп.

**"Аммо, Путинга Трамп ёкса, бу устунлик дейилади"**, — деб таъкидлаган сайланган президент.

У, шунингдек, киберхужумлар муаммоси ва унинг атрофида бўлаётган машмашаларга ҳам ўз фикрини билдирган. Трампнинг таъкидлашича, АҚШ киберхавфсизлик рейтингига сўнгги 17-ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, унинг айтишича, АҚШдаги сайловолди кампанияси чоғида амалга оширилган киберхужумларни Россиядан бошқа мамлакат ҳам амалга оширган бўлиши мумкин.

Трампнинг ёдга олишича, 2015 йилда хакерлар Америка давлат идораларининг тизимларига ҳужум қилиб, 22 млн кишининг шахсий маълумотларини ўғирлаган эди. **"Ўшанда, 22 миллион маълумотни ўғирлатдик, аммо ундан катта шов-шув ясалмади. Балки, бунинг ортида Хитой тургандир"**, — деган Трамп.

## **Трамп сўзлари сабаб фармацевтика компаниялари 40 млрд доллар йўқотишди**

АҚШ президенти этиб сайланган Дональд Трамп ўзининг биринчи **матбуот-анжуманида** АҚШ ва Европа фармацевтика компанияларини "жазо олмаган ҳолда одамларни ўлдиришда" айблади.



Унинг айтишича, АҚШда дори воситалари нархлари таннархидан ҳаддан ташқари ошириб юборилган ва буни тартибга солиш керак.

"Биз дунёда дори-дармон сотиб олувчи энг йирик давлатмиз ва улар учун мантиққа тўғри келувчи нархларга эриша олмаймиз", деб айтди Трамп.

Трамппнинг бу сўзларидан кейин АҚШ ва Европадаги етакчи фармкомпаниялар акциялари нархи пастлаб кетди.

АҚШнинг етакчи фармкомпанияларининг капиталлашуви икки кун ичида 25 млрд долларга, Европа фармкомпаниялариники эса 14 млрд долларга қисқариб кетган.

2016 йил декабрида Буюк Британия антимонопол бошқармаси АҚШнинг Pфizer фармацевтик компаниясини тутқаноққа қарши дорининг нархини 2600 фоизга ошириб юборгани учун рекорд даражадаги 106,5 млн долларга жаримага тортганди.